

УДК 633.11: 631.52

**КУЗГИ ЮМШОҚ БУҒДОЙ НАВ ВА КОНСТАНТ ЛИНИЯЛАРИ
УРУҒЛАРИНИНГ ДАЛА УНУВЧАНЛИГИ ВА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ**

Рахимов Тождиддин Абдунуманович қ.х.ф.ф.д., к.и.х

Наджимов Талантбек Эшмурот ўгли қ.и.х

Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Ушбу мақолада кузги юмшоқ бугдой нав ва констант линияларининг амал даври ва охиридаги кўчат сони, дала унувчанлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Аннотация. В данной статье представлены сведения о количестве всходов в конце периода эксплуатации и полевой плодородности сортов мягкой пшеницы и постоянных линий.

Annotation. This article provides information on the number of seedlings at the end of the exploitation period and field fertility of bread wheat varieties and permanent lines.

Калим сўзлар. Кузги юмшоқ бугдой, нав, линия, амал даври, унувчанлик, кўчат сони.

Ключевые слова. Озимая мягкая пшеница, сорт, линия, период эксплуатации, урожайность, количество всходов.

Keywords. Winter soft wheat, variety, line, period of operation, yield, number of seedlings.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг суғориладиган майдонларида етиштирилаётган кузги юмшоқ бугдой навлари етарли ҳосилдорлик хусусиятига эга, бироқ кейинги йиллардаги глобал иқлим ўзгариши ёки ташқи

муҳитнинг стресс омиллари ҳосилнинг бир маромда етилишига ва дон сифатининг пасайишига сабаб бўлмоқда. Шу туфайли селекционер олимларимиз олдидаги талаб икки мартаба ортиб, улар ҳосилдор ва дон сифат кўрсаткичлари юқори ҳамда ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига мос навлар яратиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмол рационини яхшилаш, талаб этиладиган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни назарда тутувчи озиқ-овқат хавфсизлиги давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.¹

Х. Юсупов, Б. Хайдаров, Н. Юсуповлар илмий ишларида Жиззах вилоятининг енгил ва ўртача қумоқли типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдой навларининг тўлиқ униб чиқиши ва туплаш босқичига ўтиши учун хайдов қатламидаги намлик миқдори 13-14% ёки 500-550 м³/га бўлиши мақбул эканлигини аниқлашди. [2; 26-29 б.].

Н.Х.Юсупов, Т.Э.Наджимов, И.Юлдашевларнинг [3; 48-52 б.] Андижон вилояти ўтлоқи тупроқлар шароитида олиб борган тажрибаларида кузги буғдой навларидан юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришиш учун ҳар бир навнинг биологиясидан келиб чиқиб экиш муддати, кўчат қалинлиги ва маъданли ўғитларга бўлган талабини тўғри белгилаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Бунинг учун аввало навларнинг биологик жихатдан эртаки, ўртаки, ўртаки кечки турларга бўлиб олиш зарур.

Юқоридаги муаммоларни инобатга олган ҳолда, Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти “Марказий” тажриба хўжалиги майдонида селекциянинг рақобатли нав синов кўчатзори ташкил этилди. Тажрибада андоза нав сифатида “Чиллаки” ва “Шароф-100” навлари ҳамда уларга нисбатан таққослаб ўрганиш учун 9 та констант линия 4 ярус, 4 та кайтариқда

¹ <https://lex.uz/docs/4567334>
www.pedagoglar.org

жойлаштирилди.

Тадқиқот услуги. Дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатув, ҳосилни йиғиштириш, ҳисоблаш лаборатория таҳлиллари “Бутун иттифоқ Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуги” номли услубий қўлланма бўйича амалга оширилди.

1-жадвал

Кузги буғдой нав ва линиялари уруғларининг дала унувчанлиги ва кўчат қалинлиги(2022й).

№	Нав ва линиялар	Амал даври бошида, м ² /дона	Уруғларнинг дала унувчанлиги, %	Қишловдан кейин, м ² /дона	Нобуд бўлганлари, %	Амал даври охирида, м ² /дона
1	Чиллаки St	370,2	92,7	314,1	15,3	301,4
2	Шароф-100 St	366,0	91,5	311,9	14,8	297,6
3	АС-2010-D33	376,8	94,2	325,6	13,6	312,3
4	АС-2010-D23	361,2	90,3	310,0	14,2	298,2
5	АС-2010-D30	365,6	91,4	312,6	14,5	302,1
6	АС-2012-D31	368,4	92,1	318,0	13,7	304,5
7	АС-2012-D41-8	360,8	90,2	309,3	14,3	297,8
8	АС-2012-D3	370,4	92,6	320,1	13,6	311,3
9	АС-2013-D30	374,8	93,7	325,0	13,3	317,5
10	АС-2013-D14	353,6	88,4	299,2	15,4	287,4
11	АС-2014-D39	345,2	86,3	289,7	14,9	278,2

Тадқиқот натижалари. Юқорида келтирилган шарҳлардан кўриш мумкинки, уруғларнинг унувчанлиги кўплаб омилларга боғлиқ бўлиб, асосан намлик, ҳарорат, ёруғлик, уруғ сифати асосий таъсир этувчи омиллар ҳисобланади.

Тажрибада кузги юмшоқ буғдойнинг нав ва намуналари уруғларини дала унувчанлиги ҳамда амал даври боши ва охирида ҳақиқий кўчат

қалинлиги таҳлил қилинганида, андоза “Чиллаки” навида уруғларнинг дала унувчанлиги 92,7% ни, униб чиққан кўчатлар сони 370,2 дона/м² ни, андоза “Шароф-100” навида уруғларнинг дала унувчанлиги 91,5% ни, униб чиққан кўчатлар сони 366,0 дона/м² ни ташкил этди.

Ўрганилаётган констант линиялар орасида юқори натижа АС-2013-Д30 линиясида кузатилиб, уруғларнинг дала унувчанлиги 93,7% ни, униб чиққан кўчатлар сони 374,8 дона/м² ни ташкил этган ҳолда андоза “Чиллаки” ва “Шароф-100” навларига нисбатан мос равишда 4,6 ва 8,8 дона/м² га юқори бўлганлиги қайд этилди.

Бошқа бир юқори натижа АС-2010-Д33 линиясида кузатилиб, уруғларнинг дала унувчанлиги 94,2% ни, униб чиққан кўчатлар сони 376,8 дона/м² ни ташкил этган ҳолда андоза “Чиллаки” ва “Шароф-100” навларига нисбатан мос равишда 6,6 ва 10,8 дона/м² га юқори бўлганлиги қайд этилди. АС-2012-Д3 линиясида уруғларнинг дала унувчанлиги 92,6% ни, униб чиққан кўчатлар сони 370,4 дона/м² ни ташкил этган ҳолда андоза “Чиллаки” ва “Шароф-100” навларига нисбатан мос равишда 0,2 ва 4,4 дона/м² га юқори бўлганлиги қайд этилди.

АС-2010-Д23 линиясида уруғларнинг дала унувчанлиги 90,3% ни, униб чиққан кўчатлар сони 361,2 дона/м² ни, АС-2010-Д30 линиясида уруғларнинг дала унувчанлиги 91,4% ни, униб чиққан кўчатлар сони 365,6 дона/м² ни, АС-2012-Д31 линиясида уруғларнинг дала унувчанлиги 92,1% ни, униб чиққан кўчатлар сони 368,4 дона/м² ни, АС-2012-Д41-8 линиясида уруғларнинг дала унувчанлиги 90,2% ни, униб чиққан кўчатлар сони 360,8 дона/м² ни ташкил қилди.

Тадқиқ этилаётган констант линияларда андоза навлардан юқори натижа кўрсатган линиялардан фарқли равишда паст натижа кўрсатган линиялар ҳам кузатилди. АС-2014-Д39 линиясида уруғларнинг дала унувчанлиги 86,3% ни, униб чиққан кўчатлар сони 345,2 дона/м² ни ташкил этиб, андоза “Чиллаки” навига нисбатан 25,0 дона/м² га кам, “Шароф-100” навига нисбатан эса 20,8 дона/м² га кам бўлганлиги қайд этилди. АС-2013-Д14 линиясида уруғларнинг

дала унувчанлиги 88,4% ни, униб чиққан кўчатлар сони 353,6 дона/м² ни ташкил этиб, андоза “Чиллаки” навига нисбатан 16,6 дона/м² га кам, “Шароф-100” навига нисбатан эса 12,4 дона/м² га кам бўлганлиги қайд этилди.

Март ойининг 1-куни ҳамда амал даври охирида ўрим олдидан вариантлар бўйича кўчат қалинлиги ўрганилганида, экиш муддатларига боғлиқ ҳолда амал даври бошига нисбатан кўчатлар сони камайиб борганлиги кузатилди. Қишловдан кейинги кўчат қалинлиги таҳлил қилиб чиқилганида АС-2010-Д33 линиясида 325,6 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 13,6% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 312,3 дона/м² ни, АС-2010-Д23 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 310,0 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 14,2% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 298,2 дона/м² ни, АС-2010-Д30 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 312,6 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 14,5% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 302,1 дона/м² ни, АС2012-Д31 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 318,0 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 13,7% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 304,5 дона/м² ни, АС-2012-Д41-8 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 309,3 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 14,3% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 297,8 дона/м² ни, АС-2012-Д3 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 320,1 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 13,6% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 311,3 дона/м² ни, АС-2013-Д30 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 325,0 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 13,3% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 317,5 дона/м² ни, АС2013-Д14 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 299,2 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 15,4% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 287,4 дона/м² ни, АС-2014-Д39 линиясида қишловдан кейинги кўчатлар сони 289,7 дона/м² ни, қишда нобуд бўлган кўчатлар 14,9% ни, амал даври охирида ҳақиқий кўчат қалинлиги 278,2 дона/м² ни ташкил этди.

Олинган натижалардан кўриш мумкинки, навларнинг кўчат қалинлиги

ва қишлов даврида нобуд бўлиши ташқи стресс омилларга бордошлилигига боғлиқ бўлиб, барча линияларда бир ҳил бўлмаслиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2019 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5853-сон фармони.

2. Юсупов Х, Хайдаров Б, Юсупов Н. “Суғориладиган майдонларда кузги буғдой ҳосилдорлигига экиш муддатлари ва меъерининг таъсири” // Агроилм иловаси. №6 (69), 2020 йил. –б. 26-29.

3. Юсупов Н.Х., Наджимов Т.Е., Юлдашев И. Кузги юмшоқ буғдой нав ва линияларининг дастлабки синов натижалари. Глобал иқлим ўзгаришларига чидамли, ҳосилдорлиги ва сифати юқори бўлган бошоқли дон, дуккакли, мойли, озуқа экинларни парваришlash истиқболлари халқаро илмий-амалий Конференция материаллари 2022-йил 13-май 48-52 бетлар